



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «3» декабря

107-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

Тошкент шаҳар ҳокимлигида монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолиятини мониторинг қилиш бўйича Ваколатли шахсни белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 114-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 15 ноябрдаги 1550/04-20/1-сонли хатига мувофиқ,

1. Тошкент шаҳар ҳокимлигида монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолиятини мониторинг қилиш бўйича Ваколатли шахс сифатида Тошкент шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Шакиров Хотамбек Анварович (кейинчалик – ваколатли шахс) белгилансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, тузилмадаги бўлинма ва бошқармалар раҳбарлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари:

Иқтисодий ва монополияга қарши курашиш қонунчилиги фаолият

соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ваколатли шахс билан келишилиши белгилаб қўйилсин.

3. Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолиятини мониторинг қилиш бўйича Ваколатли шахс (Х.Шакиров):

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 114-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисида"ги низом талабларига риоя этилиши ва амалга оширилиши таъминлансин.

4. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосарлари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.